



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



Тошкент шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XII Пленуми бўлиб ўтди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



“Адолат” партиясининг XII Пленуми бўлиб ўтди



Муносабатлар изчил ривожланмоқда

...Бир мисол, Сун сулоласи даврида (960-1279) Сун ҳукмдори Бухоро хонидан ёрдам сўрагани, у эса Нажмиддин Сўфий бошчилигидаги катта ҳарбий отряд, 7 миң от ва туяларни ёрдамга юборгани ва натижада душман устидан ғалаба қозонилгани, Нажмиддин Сўфий Хитойда қолиб, 97 ёшида оламдан ўтгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Ўрта асрларда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари хитой тилига таржима қилиниб, чин халқ таъботини ривожлантиришда кенг фойдаланилган.



ҚАЧОНГАЧА ҲУКУМАТДАН

НОЛИЙМИЗ?!

Уйимизда беш дақиқага чироқ ё газ ўчиб қолса, дарҳол ҳукуматдан нолий-миз. Ижтимоий тармоқларга чиқиб, раҳбарларни сўкишни ҳам болаймиз. Аммо бир зум ўйлаб кўрайлик-чи, балки биз юқорида тилга олган, фош этилган улкан миқдордаги ўғирликлар, ўзлаштиришлар бўлмаганида, эҳтимол, минг-минглаб одамларнинг хонадониди газ билан чироқ бир сонияга бўлса ҳам ўчмасди. Биз санаганлар-ку, фош этилган ўғирликлар. Яна бир мулоҳаза юритиб кўрайлик, фош этилмаганлари қанча экан? Ахир бу тарздаги ўғирликлар ойдин тунда, якка-ёлғиз амалга оширилмайди. Аксинча, жуда кўпчилигимизнинг кўз ўнгимизда содир этилади. Наҳотки биз уларни кўрмаймиз? Кўрамыз! Кўрамыз... аммо миқ этмаймиз. Наридан борса “Бу бизнинг ишимиз эмас, ҳукумат шуғуллансин”, деган баҳона билан қутуламиз-қўямиз. Демак... моҳиятан қараганда, ўша ўғирликка биз ҳам шерикмиз...



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Департамент ҳузурида яширин иқтисодиётга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, илғор хорижий тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқадиган, тизим ходимларини иқтисодий жиноятларни аниқлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича ўқитадиган Илмий-таҳлилий ва ўқув маркази ташкил этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСКАРТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

1 ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ЖАМИЯТГА ВА ДАВЛАТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

- Рақибат муҳитининг бузилиши ва шаффоф эмаслиги
- Маҳсулотлар сифати ва миқдорининг пасайиши
- Давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларининг камайиши
- Ижтимоий ва иқтисодий институтларни қўллаб-қувватлаш учун солиқ юкини оширилиши
- Иқтисодий ўсишнинг сустлашиши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ БАҚОЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ВА КўП ҚўЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАРИ

БЕВОСИТА УСУЛЛАР

- Тўғридан тўғри музокаралар жисса
- Салиқ текширувлари орқали
- Расмий ва ҳақиқий ишчи кучи ўрнини белгилаш
- Харажатлар ва даромад статистикалари ўрнини белгилаш

БИЛВОСИТА УСУЛЛАР

- Транзакцион метод
- Валютага бўлган талаб методи
- Энергия сарфи истифода методи



ЖАМИЯТНИНГ ЖАМОАВИЙ ЖАЗОСИ



Ўн фут нарида қадоқлаш хизматлари учун тайёрланган пойабзал қутиси ўлчамидаги 20 долларлик лентани кўрсатди ва уни сотиб олишимни буюрди. “Сизнингча 15 сантиметрлик қути учун шу лентани сотиб олишим мантиқданми?” деб сўрадим. “Лентани олинг ва дарҳол навбатнинг охирига боринг!” Хоним қичқираркан, жаҳлдан қизариб кетди. Худди шу ғазаб билан навбатда турган кейинги одамни “Некст!” (“Кейинги!”) деб бақириб чақирди.



Сарҳисоб

Ўз фаолиятингиздан қониқасизми?

Ҳар бир соҳада таҳлил ва танқид самарадорликни оширади. Бир қарашда ўз фаолиятингиздан кўнглимиз тўлса-да, камчиликлардан кўз юма олмаймиз. Айни шу жойда ўз-ўзини танқид ўринли.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ана шу масала ўртага қўйилди. Партиянинг маҳаллий кенгаши раисларига "ўз фаолиятингиздан қониқасизми?", деган савол берилди. Бирдан "ҳа" деб айтиш қийин. Бундай жавобга муносиблар ҳам йўқ эмас.

Йиғилишда вилоят партия кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти танқидий таҳлил этилди.

— Албатта, эришилган ютуқларда маҳаллий кенгашлардаги фаолларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, — деди "Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Ҳиммат Оқбўтаев. — Сессия ва доимий комиссияларга масала киритишда депутатлар ва партия фаоллари биргалликда мавжуд муаммоларни ўрганиб бормоқда. Бу жамоатчиликнинг бизга бўлган ишончини оширяпти. Айниқса, Тайлоқ, Урғут, Пастдарғом, Иштихон ва Жомбой туман кенгашлари бошқаларга ўрнатилган бўлган. Бу ана шу ҳудудлардаги етакчилар ўз ишига масъулият билан қараб иш юритаётганини кўрсатади.

Ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам бор. Аксарият туман кенгашлари самарали фаолият юритаётган бир вақтда Пайариқ ва Нарпай туман кенгашлари томонидан партия электорати билан ишлаш, партия қаноти бўлган депутатлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги аён бўлди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш якунида партия фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзоларига фаолиятларида эътиборга олишлари лозим бўлган жиҳатлар юзасидан тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берилди. Рейтинг назорати ташкил қилиниб, шу асосда баҳолаш механизми ишга туширилиши қайд этилди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати



"Адолат" партиясининг

XII Пленуми бўлиб ўтди

Пленумда ташкилий масала кўрилиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов ўз аризасига мувофиқ, Сиёсий Кенгаш аъзоларининг очиқ овоз бериш йўли билан партия Сиёсий Кенгаши раиси лавозимидан озод этилди.

Сўзга чиққанлар Баҳром Абдуҳалимов раислигида "Адолат" СДП фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлганини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, бугунги кунда партия таркибидан 7338 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўришмоқда, уларнинг фаолияти жойларда 208 та туман ва шаҳар, 14 та ҳудудий партия Кенгашлари томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда.

Махмудова Робохон Анваровна партия Сиёсий Кенгаши раиси лавозимига Сиёсий Кенгаш аъзолари томонидан очиқ овоз бериш йўли билан сайланди.

Пленумда сўз олганлар, Робохон Анваровна ҳуқуқшунос сифатида ўз ҳаёти ва фаолияти давомида адолатли қарор топтириш ва қонун устуворлигини таъминлашда фаол қатнашиб келаётганлиги, юксак инсоний фазилатлари, ватанпарварлиги, унинг "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаш раиси лавозимига тўғри танланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши ва Ижроия қўмитаси аъзолари тартибига ўзгаришлар киритиш масаласи ҳам маъқулланди.

Пленум кун тартибидидаги навбатдаги масала Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятининг 2023 йил якунлари ва партиянинг 2024 йилги дастурий

вазифалари тўғрисида ахборот берилди.

Жорий йилнинг шу даврига олиб борилган барча ишларни тизимли ва узулсиз равишда давом эттириш партиянинг устувор вазифаларидан бўлиб қолиши таъкидланди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда партиянинг келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган режалари ижроси юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Давра суҳбати

"Адолат" СДП Жиззах вилоят ҳамда Жиззах шаҳар кенгаши томонидан Республика шохлиқчи тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалида партиянинг 2019 йил қабул қилинган Сайловолди дастури ижроси ҳамда янги Сайловолди дастурига таклифлар йиғишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда партиянинг вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ходимлари, депутатлар, Республика шохлиқчи тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.



ШИФОКОРЛАР

"адолат"чилар сафини тўлдирмоқда

Тадбирда сўзга чиққан партия вилоят кенгаши раиси Ориф Шукуров томонидан таъкидланганидек, "Адолат" социал-демократик партиясининг амалдаги Сайловолди дастурида кўтарилган бир қатор муҳим ташаббуслар ва ғояларнинг аксарияти қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ўтган вақт мобайнида ижрога йўналтирилди. Ҳозирда янги Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда Жиззах вилояти бўйича бошланғич партия ташкилотларининг 90 дан ортиқ аъзоларидан 100 дан ортиқ таклифлар олинди.

Сайловолди дастури лойиҳасига таклифларни беришда партиянинг куйи бўйин аъзолари, депутатлик гуруҳи раҳбарлари, электорат вакиллари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари қатнашмоқда. Тадбир давомида тиббиёт ходимлари ўз фаолият йўналиши-

да муҳокама қилинган давра суҳбати давомида фракция аъзолари Дилмурод Исмоилов ва Махфурат Хушвақтова ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, унинг қабул қилиниши Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар талаб этадими, деган саволни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари саволга батафсил жавоб берди.



ларидан келиб чиқиб қатор таклифларни билдириб ўтишди. Сайловолди дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда билдирилган ҳар бир таклиф юртимиз тарқиёти, фуқароларимиз фаровонлиги, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида айтиб ўтилди.

Бугунги кунгача келиб тушган таклифлар сараланиб, партиянинг янги Сайловолди дастурига киритиш мақсадида экспертларга юборилди. Ҳозирги кунда бу таклифларнинг барчаси мутасассислар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Тадбир сўнггида 100 нафар шифокор ва ҳамширалар партия аъзоллигига қабул қилинди.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

Фракция йиғилиши

Маҳкумлар ҳуқуқлари КАФОЛАТЛАНАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Дастлаб депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, тузатиш йўлига ўтишни таъминлаш ҳамда ижтимоий мослашувни жадаллаштириш орқали уларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини, инсонга, жамиятга, меҳнатга, ижтимоий қодалар ва аъёналарга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғусини шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда маҳкумларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш даражаси оширилиб, уларни қийноққа солишнинг олдини олиш механизмлари яратилди, маҳкумларнинг жазони ижро этиш колонияларидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Мақсуд қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасига қўра, Ўзбекистон Республикасининг "Жиноят-ижроия кодексига"та озоқликдан маҳрум этилган шахслар билан инсонпарварлик тамойили асосида муносабатда бўлиш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши таъминлашга оид нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, озоқликдан маҳрум этилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Муҳокама қилинган давра суҳбати давомида фракция аъзолари Дилмурод Исмоилов ва Махфурат Хушвақтова ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, унинг қабул қилиниши Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар талаб этадими, деган саволни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари саволга батафсил жавоб берди.

Мақсуд қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони асосан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасига қўра, Ўзбекистон Республикасининг "Жиноят-ижроия кодексига"та озоқликдан маҳрум этилган шахслар билан инсонпарварлик тамойили асосида муносабатда бўлиш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши таъминлашга оид нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, озоқликдан маҳрум этилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Иккинчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони асосан ишлаб чиқилган.

Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати

Бир адолатчи юз аёлга ҳимоячи

Тадбир

"Адолат" СДПнинг "Бир адолатчи юз аёлга ҳимоячи" лойиҳаси хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Лойиҳа доирасида жамоатчилик орасига кириб борилаётгани, муаммоларга ечим топилаётгани партиядошларимизнинг ўз ишига ишончи ортишига сабаб бўлмоқда.

Дирилган 8 та муаммо шу куннинг ўзида бартараф этилди, 3 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

— Давлатимиз томонидан хотин-қизларга қаратайлаётган эътиборни кўриб қувонардим, — дейди "Шаҳриобод" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Дилфуза Садирдинова. — Ишчилардан қийналсам-да, умид билан яшардим. "Адолатчилар"нинг хонадонимга кириб келиши менга куч берди. Уларнинг арамлашуви билан туман марказий поликлиникасига ишга жойлашдим. Бундан оила аъзоларим ҳам хурсанд.

Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ:

устувор йўналишлар белгиланди

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган беқарор вазият, мамлакатлар бир-бирига нисбатан қўллаётган иқтисодий санкциялар билан боғлиқ хатарлар, ҳар хил молиявий ва бошқа чекловлар нафақат шу мамлакатлар, балки қўшни давлатлар иқтисодига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.



Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Бундай ўта мураккаб вазиятда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда, аввало, мамлакат ички имкониятларидан кенг фойдаланиш, иқтисодий ривожланишга салмоқли салбий таъсир кўрсатаётган хуфёна иқтисодиётга қарши мурасасиз курашиш, улар фаолиятини қонунийлаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Хуфёна иқтисодиёт тараққийёт йўлидаги тўсиқ эканлиги, тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан қонунийликни ўнлаб триллион сўмлик маҳсулотлар «соя»да қолаётганини кўрсатмоқда. Бу орқали ялпи ички маҳсулотга 135 триллион сўм, бюджетга 30 триллион сўм тушум йўқотилмоқда. Жумладан, биргина курилиш корхоналарининг 41 фоизи

хисоботида фақат 1 нафар ишчиси борлигини кўрсатган. Ваҳоланки, бу корхоналар ўтган йилнинг ўзига 4 триллион сўмлик курилиш ишларини бажарган. Ёки камида 25 гектардан ери бор 5 мингта мева-сабзавотчилик фермер хўжалигида 1 нафардан расмий ишчи рўйхатдан ўтгани маълумотларда келтирилган.

Президентимизнинг «Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизmlарини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида айнан яширин иқтисодиётга қарши курашиш, хусусан, давлат назоратини кучайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та орган тарқоқ ҳолда шуғулланиб келмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган яхлит тизим йўқлиги яширин иқтисодиёт улушини юқори даражада қолишига олиб келаётди.



Ўтган йилдан бюджетдан 1,2 триллион сўмлик ноқонуний харажат ҳамда 200 миллиард сўмлик камомад ва ўғриликка қарши курашиш аниқланган. Соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги дастурларга ажратилган маблағлар тўлиқ ишлатилмаган. Шунингдек, аслида ишламайдиган ҳодим ёки бажарилмаган иш учун ҳақ ёзиш, асоссиз ссуда ёки мукофот пуллари олиш каби ҳолатлар кўпайган.

Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолияти қоникарсиз экани кўрсатиб ўтилди. Шу боис мазкур инспекция Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилиши белгиланди.

Бу йил бюджетда кўзда тутилган 313 триллион сўмлик харажатни тўғри сарфланишини назорат қилиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 16 январда макроеқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишидан

Мазкур ҳужжатда яширин иқтисодиётга қарши курашиш давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолияти кучайтирилмоқда. Хусусан, унинг асосий фаолияти сифатида яширин иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда бюджет маблағлари харақати занжири устидан тўлиқ назорат ўрнатиш белгиланди.

Шуларни ҳисобга олиб, Департамент чуқур таҳлил, тезкор-қидирув, тафтиш ва ўзи тергов қиладиган идорага айланади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ваколатлари тўлиқ Департаментга ўтказилмоқда. Бу жуда оқилона қарор бўлиб, яширин иқтисодиётга барҳам бериш ва коррупцияни бартараф этишга хизмат қилади.

Эндиликда Департамент ва Ҳисоб палатаси биргаликда ишлаб, яширин иқтисодиётни жилволаш ва бюджет маблағларининг

тўғри сарфланиши учун жавобгар бўлади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Департамент энг замонавий ахборот тизимлари, махсус воситалар билан таъминланади.

Бундан ташқари, Департамент ҳузурида яширин иқтисодиётга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, илғор хорижий тажриба асосида тақлифлар ишлаб чиқадиган, тизим ҳодимларини иқтисодий жиноятларни аниқлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича ўқитадиган Илмий-таҳлилий ва ўқув маркази ташкил этилади.

Мазкур марказ муаммони илмий ўрганиб, унга сабаб бўлаётган асосларни таҳлил қилади. Тадбиркорларга қийинчилик туғдираётган қонунийликни ўзгартириш тақлифларини ишлаб чиқиши, яъни тадбиркорни фақат айбдор қилиб кўрсатмасдан, аксинча, муаммо илдизи қонунийликдаги икки давлат ташкилотларининг иш услубида эканига аниқлик киритади.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг фармони қонунга иттифоқ, инсофли тадбиркорни ҳимоя қилиш, уларга ҳақиқий кўмакчи бўлиш ҳамда бизнес ривожига тўсиқ бўлувчи коррупцион омилларга барҳам беришга хизмат қилади. Зотан, асосий мақсад ҳам яширин иқтисодиётни репрессив йўл билан эмас, балки уларни рағбатлантириш механизмлари ва амалий кўмак бериш орқали кўламини кескин камайтириш, ноқонуний ишлайдиган ташкилотларни қонун асосида ишлайдиган корхоналарга айлантиришдан иборатдир.

Худудлардан хабарлар

– Қўшимиз оилавий корхона очганидан буён нон учун бозорга югур-югурдан кутулдик. Айниқса, эрталабки нонуштада иссиққина нон тановул қилишга нима етсин! Барака топсин, – дея дуо қилди “Сазогон” маҳалласидан Муяссар ая.

Имконияти чекланганлар иш билан таъминланди

Гулжаҳон МАРДОН қизи

Дарвоқе, мамлакатимизда тадбиркорлик қилишга интилаётганларга кенг имкониятлар яратилган. Бу борада қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг моҳияти ҳам ана шу эзгу сазў-ҳаракатлар ижросига қаратилган.

– “Адолат” СДП Пастдарғом туман кенгаши раиси бўлиш билан бир қаторда жамоатчилик асосида Нозирлар жамияти туман бўлинимасини ҳам раисиман, – дейди “Паризода – Малика – ширин нон” оилавий корхона раҳбари Хонбуви Ҳайитова. – Ўтган йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган «Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни йўлга қўйиш, тарғибот ишларини олиб бориш» лойиҳасида иштирок этиб, 90 миллион сўмлик грант ютиб олдик ва ушбу корхона фаолиятини йўлга қўйдик. 50 миллион сўми нон маҳсулоти ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналарга сарфланди. Тайёр маҳсулот худудлардаги савдо дўконлари, болалар боғчаларига етказиб берилди. Келажакда корхона имкониятларини янада кенгайтириб, жамият аъзоларига иш ўринлари яратиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш турларини кўпайтирамиз.



Корхона фаолиятини кўздан кечирамиз. Хамир қорадиган, нон маҳсулоти пишириладиган ускуна ва қолиплар талаб даражасида ишляпти. У ерда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг айтишича, ҳар кун 900-1000 та қолипли нон пиширилиб, буюртмачиларга етказилади.

– Иккинчи гуруҳ ногирониман. Турмуш ўртоғим ҳам шу ерда ишлайди. Худода шуқур, нолимаймиз. Эна муҳими, корхона фаолияти йўлга қўйилиши билан мен каби жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг иш билан бандлиги таъминланди, – дейди Жавлон Холмуродов.

Шунингдек, иккинчи гуруҳ ногирони Дилафрўз Мўминова, Маҳлиё Нормуродова, Мухлиса Муродовалар ҳам илиқ фикрлар билдиришди.

Тикув машиналари топширилади



Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги “Ҳазрат Али” маҳалла фуқаролар йиғинида “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар” рўйхатида киритилган 6 нафар эҳтиёжманд аёл Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тикув машиналари билан таъминланди.

– Маҳалламизда истиқомат қилувчи ёшу қари жуда ҳамжиҳат. Эзгу ишларимизни бамаслаҳат амалга оширамиз. Биз эҳтиёжманд оилаларни доимо қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келамиз. Аммо қўл билан берганга қуш тўймайди, деган нақл бор. Уларни байрам кунлари ва анъанавий йўқовга борганимизда қўшнилاردан хижолат чеккан кунлари ҳам бўлган, – дейди халқ депутати туман Кенгаши депутаты, “Ҳазрат Али” номли МФЙ раиси Субҳонали Нишоннов. – Ҳукуматимиз томонидан бу каби хотин-қизларнинг бепул касб-ҳунарга ўргатилиши ва замонавий тикув машиналари билан таъминланиши ҳаммамизни, айниқса, аёлларимизни хурсанд қилди. Уларнинг кўзларидаги қувонч ёшлари, юрт тинчлиги ва мамлакатимиз тараққий этишини талаб қилган дуолари бизни ҳам севинтирди.


Президентимиз ташаббуси билан 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ёшлар – давлат ва жамиятнинг хал қилувчи кучи бўлса, бизнес ва тадбиркорлик – замонавий иқтисодиётимизнинг асосидир. Ишонимизки, янги имкониятларга эга бўлган маҳалладош аёлларимиз ўз бизнесини йўлга қўйиб, ишсиз хотин-қизларни ўз барига олиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирадилар.

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати



ҲАВОДАН... СУВ

Буғунги кунда сайёраимизда 2,2 миллиард одам сув танқислиги юзага келган ҳудудларда истиқомат қилмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили 3,5 миллион киши бевосита суви билан боғлиқ хасталиклардан вафот этмоқда.



Мазлумки, ичимлик суви таъминоти ва сифати яхшиланиши керак бўлган жойлар асосан дунёнинг серқуёш ҳудудларида. Шу сабабли ҳам дунё олимлари анча йиллардан буён мазкур минтақаларда қуёш энергияси ёрдамида тоза суви олиш муаммоси устида шуғулланиб келишмоқда.

Ўзбекистон – Хитой
МУНОСАБАТЛАР
ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23-25 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбасари Қодир Жўраев билан мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, хитойлик сармоядорларнинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳамда ташрифдан кутгилатган натижалар хусусида суҳбатлашдик.

– Маълумки, Марказий Осиё ва Хитой ўзаро қўшни минтақалар ҳисобланади. Улар ўртасидаги алоқалар қадимдан ривожланиб келган, шундай эмасми?

– Тўғри. Қадимий кўлэзма манбаларга мурожаат қилсак, Хитой ва Марказий Осиё ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилгани ҳақида кўплаб маълумотларга дуч келамиз.

Масалан, Дунхуанда топилган археологик ашёлар қадимдан бу ерда Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Тошкентдан келган савдогарлар яшаганини яққол тасдиқлайди.

Бундан ташқари, миллодга қадар II аср ўрталарида Фарбий Хан империяси (эрамизгача 206 йилдан – эрамизгача 25 йил) элчиси Чжан Цянь Фарғонага келгани ҳақида маълумотлар бор.

Бошқа бир мисол, Сун сулоласи даврида (960-1279) Сун ҳукмдори Бухоро хонидан ёрдам сурагани, у эса Нажмиддин Суфий бошчилигидаги катта ҳарбий отряд, 7 миң от ва туяларни ёрдамга юборгани ва натижада душман устидан ғалаба қозонилгани, Нажмиддин Суфий Хитойда қолиб, 97 ёшида оламдан ўтгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Ўрта асрларда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари хитой тилига таржима қилиниб, чин халқ табобатини ривожлантиришда кенг фойдаланилган.

Темурийзода Шоҳрух бошқаруви даврида 1419-1422 йилларда унинг Пекинда элчиси фаолият юритган. Муаллиф Гиёсиддин Нақошнинг бу ҳақдаги ёзувлари ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

– Замонавий даврда Ўзбекистон – Хитой муносабатлари қай тарзда ривожланимоқда? Хитой мамлакатимиз ташқи сиёсатида қандай ўрин тутади? Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Хитой Ўзбекистон Республикаси давлат мустаклигини биринчилардан бўлиб, 1991 йил 27 декабрда тан олган мамлакат ҳисобланади. Биз бунга ҳеч қачон унутмаслигимиз ва ҳақиқат қадрашимиз лозим. Дипломатик алоқалар 1992 йил 2 январда ўрнатилди. 1992 йилда икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик яратиш тартиби ўрнатилган бўлса, 2016 йил 22 июнь ҳамда 2022 йил 15 сентябрдаги халқаро битимлардан кейин алоқалар янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ҳозирда Хитой Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. У мамлакатимизнинг стратегик шерикларидан бири ва энг асосий савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий соҳада динамик ўсиш барча жаҳаларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида юқори улushi эга бўлган ҳамкор давлатлар орасида Хитой етакчи давлат сифатида эътироф этилмоқда. Утган йил якунлари буйича товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди. Олий даражадаги учрашувда яқин истиқболда бунга 20 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар борлиги тўғрисида яқдил фикр билдирилди.

Кейинги йилларда Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони эса уч баробар ошди.

Инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалиги ва “яшил” энергетикада технологиялар трансфери соҳаларида ҳамкорлик дастур-

ларини тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Шу маънода, ўтган йил охирида Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокида қуввати 1000 мегаваттлик иккита янги қуёш электр станциялари фойдаланишга топширилгани мамнуният билан қайд этилди.

Хитойнинг етакчи банклари, “Ипак йўли” фонди ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан самарали молиявий-техник ҳамкорликнинг бугунги даражаси юқори баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситаларини кенгайтириш, жумладан, қўшма платформа яратиш борасида келишувларга эришилганини, шунингдек, Хитой Эксимбанкнинг Тошкент шаҳрида Марказий Осиё учун минтақавий офис очиш қарорини олқишлади.

Президентимиз хитойлик шерикларни Ўзбекистондаги давлат корхоналари ва банкларини хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чақирди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашганига мамнуният билдирилди. Бу борадаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгашини тузишга келишиб олдилар.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Трансминтақавий транспорт ва транзит кўпригининг муҳим таркибий қисми бўладиган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш буйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳим экани таъкидланди.

– Икки мамлакат алоқаларининг ривожига туртки бераётган омишлардан бири, бу давлат раҳбарларининг олий даражадаги ташрифлари ҳисобланади. Бу борада фикрингиз қандай?

– Ҳақиқатан ҳам, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг изчил ривожланишида олий даражадаги давлат ташрифларининг аҳамияти беқасдир. Ушбу ташрифлар ўзаро ишонч ва дўстликни мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. 1992-2023 йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг ўзаро ўнлаб давлат ташрифлари амалга оширилди. Биргина 2023 йилда Президент Шавкат Мирзиёев икки марта Хитойга ташриф буюрди: 8-19 май кунлари Цян шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Хитой” илк саммитида иштирок этган бўлса, 17-18 октябрда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир камар, бир йўл” 3-халқаро форумида қатнашди.

Айниқса, Цян шаҳрида Хитой Халқ Республикаси раҳбари ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари иштирокида “Марказий Осиё – Хитой” биринчи саммитининг ўтказилиши минтақалар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиб берди, деб бемалол айтиш мумкин.

Бундан ташқари, икки мамлакат парламенти вакилларининг доимий мулоқоти ва ҳамкорлиги ҳам кенг йўлга қўйилган. 2017 йилдан бери Олий Мажлисда Бутунхитой халқ депутатлари мажлиси билан ҳамкорлик буйича парламентлараро гуруҳ фаолият кўрсатмоқда.

– Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп жалб қилинаётган сармоялар Хитой сармоялари ҳисобланади. Бу ҳозирда қандай натижа бермоқда?

– Эътироф этиш лозимки, ўтган йиллар мобайнида хитойлик сармоядорлар иштирокида юртимизда қатор стратегик аҳамиятга эга бўлган

корхона ва иншоотлар барпо этилди. Мисол сифатида Ангрэн – Поп темир йўли, Қамчиқ довонида қурилган туннелларни келтириш мумкин. Ҳозирда ҳам хитойлик ҳамкорлар билан бирга қатор стратегик объектлар, хусусан, йирик корхоналар ва энергетик мажмуалар барпо этилмоқда.

Умуман, ҳозирги кунда Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида 2337 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

– Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардан ташқари ҳамкорликнинг яна қайси соҳаларини ажратиб кўрсатиш мумкин?

– Мен изчил ривожланиб бораётган соҳалардан яна бири сифатида маданий-гуманитар алоқаларни алоҳида кўрсатган бўлар эдим. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ўзбекистон ва Хитой маданияти ҳамда санъат усталари кўплаб нуфузли фестивал ва анжуманларда ўзаро қатнашиб келмоқда.

– Пекинда биринчи таълим форуми, Шанхайда Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари кўргазмаси муваффақиятли ўтгани қайд этилди. Шу кунларда ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар Хитой пойтахти аҳолиси ва меҳмоноларида катта қизиқиш уйғотди.

– Таълим ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро маданият кунларини ўтказиш амаиётини давом эттириш заруралини кўрсатиб ўтди. Қўшма Ёшлар инновация форумини ўтказиш такалиф қиланди.

– Ўзбекистон Республикаси Транспорти вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ислохотлар ва ривожланиш давлат қўмитаси ўртасида Хитой – Марказий Осиё – Европа темир йўл экспресслари буйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида янги электр транспорт воситалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқарттириш ва бандлиқ вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ масалалари вазирлиги ўртасида камбағалликни қисқарттириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида аҳдлашув баённомаси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Фан ва технологиялар вазирлиги ўртасида илмий-техник ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисида ҳамкорлик баённомаси;

– Ўзбекистон Республикаси Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Хитой Халқ Республикаси Стандартлаштириш маъмурияти ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой фуқаролик авиацияси бошқармаси ўртасида “Ҳаво ипак йўли”ни бирағликда барпо этиш тўғрисида келишув;

– Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Туризм қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида 2024-2026 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик режаси;

– Тошкент вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнаттиш тўғрисида битим ва бошқалар;

– Самарқанд ва Циндао шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнаттиш тўғрисида битим ва бошқалар.

Республикаси Раиси Си Цзиньпин Кўшма баёнот имзоладилар.

Унда томонларнинг ўзаро манфатли ҳамкорликни турли соҳаларда ҳар томонлама мустақамлаш ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмун жиҳатидан бойитишга интилиши тасдиқланган.

Етакчилар хузурида қуйидагилар имзоланди:

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида инсон ресурсларини ривожлантириш буйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида инсон ресурсларини ривожлантириш буйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида хитой тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Божхона бош бошқармаси ўртасида Ўзбекистондан Хитойга нухат экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Транспорти вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ислохотлар ва ривожланиш давлат қўмитаси ўртасида Хитой – Марказий Осиё – Европа темир йўл экспресслари буйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида янги электр транспорт воситалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқарттириш ва бандлиқ вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ масалалари вазирлиги ўртасида камбағалликни қисқарттириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида аҳдлашув баённомаси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Фан ва технологиялар вазирлиги ўртасида илмий-техник ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисида ҳамкорлик баённомаси;

– Ўзбекистон Республикаси Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Хитой Халқ Республикаси Стандартлаштириш маъмурияти ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой фуқаролик авиацияси бошқармаси ўртасида “Ҳаво ипак йўли”ни бирағликда барпо этиш тўғрисида келишув;

– Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Туризм қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида 2024-2026 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик режаси;

– Тошкент вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнаттиш тўғрисида битим ва бошқалар;

– Самарқанд ва Циндао шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнаттиш тўғрисида битим ва бошқалар.

ТИШ ЎСТИРАМИЗ



Англиядаги Плимут университети биологлари тиш ўсиш жараёнини тиклашга муваффақ бўлдилар. Олимлар нима учун кўплаб жониворларда тишлар бир умр ўсиб туриши, одамларда эса болалик даврдан кейин тўхтаб қолиши сабабларини аниқлашди. Бу янгиликни тадқиқот гуруҳи раҳбари Жос Стюарт Nature

Communications журналида чоп этилган мақоласида эълон қилган.

Мазлумки, инсон тишларида илмид хужайралари мавжуд, бироқ улар тишларнинг қайта тикланишига ёки алмашишига хизмат қилмасди. Ниҳоят олимлар лазер импульси ёрдамида бу хужайраларни фаоллаштиришга муваффақ бўлишди, бу эса янги тишларнинг ўсишига хизмат қилди.

Биологлар мазкур кашфиёт стоматология соҳасида улкан ютуқларга олиб келишини таъкидлашмоқда.

БИЗ ЁЛГИЗ ЭМАСМИЗ

Буюк Британиядаги Уорик университети олимлари Қуёш тизимидан ташқарида жойлашган яна 85 та сайёрада ҳаёт кечирши учун етарли шароитлар борлигини аниқлашди. Бу ҳақда Daily Mail газетаси хабар қилади.



Тадқиқотлар жараёнида мазкур экзосайёралар худди Ер каби ўз юлдузларидан мутаносиб узқикда жойлашганлигини, шу сабабли ҳаёт кечирши учун етарли ҳароратга эга эканлиги маълум бўлган.

Сайёралар ўлчами турлича. Жумладан, уларнинг айримларининг диаметри Ерга нисбатан 1,4 марта катта бўлса, баъзиларининг катталиги 40 баробарга етади. Тадқиқот гуруҳи раҳбари Фейт Хоторнинг сўзларига кўра, ҳар бир сайёра алоҳида тизимда жойлашган бўлиб, уларнинг айримлари газдан, баъзилари эса каттик қойиқдан ташкил топган бўлиши мумкин.

Ҳозирча янги топилган сайёраларнинг ўз юлдузлари атрофида бошқа экзосайёраларга нисбатан секинроқ айланиши маълум. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги сайёраларнинг ўз юлдузлари атрофида бир марта айланиб чиқиш вақти 20 суткадан 700 суткани ташкил этади. Бу эса уларнинг юлдузлардан сезиларли даражада узоқда жойлашганлигини кўрсатади.

Дарвоқе, янги топилган 85 сайёранинг 60 таси фалакитшунослик фанида янгилик сифатида эътироф этилган.

ЭКОЛОГИЯНИНГ ЁМОНЛАШУВИ
ТУШКУНЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ



Финляндиянинг Хельсинки университетидаги бир гуруҳ олимлар атроф-муҳитнинг ҳамда ирсий ўзига хосликнинг одамлар руҳиятига таъсирини ўргандилар. Бу ҳақда Nature Mental Health илмий журнали хабар қилади.

Мутахассислар кейинги пайтларда Фарбий Европа мамлакатлари фуқароларида тушкунлик, депрессия кўчайиб бораётганлигини, ўз тадқиқотларида бунинг сабабини ўрганишга интилганлигини таъкидлаб ўтишган.

Олимлар атроф-муҳитнинг 685 та таъсирини 12 гуруҳга бўлишди. Бунда асосий эътибор ҳавонинг ифлосланиши оқибатларини ўрганишга қаратилди. Кейинги ўринларни оилавий муносабатлар, ҳаётий вазиятлар эгаллади.

Тадқиқотлар инсон саломатлиги, жумладан, тушкунликка тушиши атроф-муҳит, экология билан бевосита ва билвосита боғлиқ эканлигини тасдиқлади. Эътиборли томони шундаки, экологик ҳалокатлар аёлларга нисбатан эркакларни кўпроқ тушкунликка тушираркан.

Хориж манбалари асосида тайёрланди

Ннҗора РАХМОНОВА
суҳбатлашди

ДОРИ РЕКЛАМАСИ

Ва

Кўпаяётган Дориҳонолар

ЮРТИМИЗДА ДОРИ РЕКЛАМАСИ АВЖ ОЛАЁТГАНИ, ДОРИХОНОЛАР КўПАЯЁТГАНИНИ ҚАММАМИЗ КўРИБ,
БИЛИБ ТУРИБМИЗ. ЛЕКИН БУНИНГ ИЖОБИЙ ЁКИ САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАМАЙПТИ,
МУТАХАССИСЛАР БУ МАСАЛАГА КўПАМ МУНОСАБАТ БИЛДИРИШМАЯПТИ.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Германиядан бир танишим келган эди. Асли Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидан бўлган бу одам 15 йилдан буён Гамбургда яшайди. Уйда суҳбатлашиб ўтирдик, кейин бироз телевизор кўрмоқчи бўлдик. “Ўзбек қўшиқларини соғинганман, мусиқали каналга қўйинг”, деди у. Мусиқали каналга ўтказдим. Концерт бўлаётган экан. Бироздан сўнг реклама бошланди. Ўртада бироз қўшиқ янгради-да, яна рекламага ўтирди. Энг қизиғи, уларнинг катта қисми дори рекламаси эди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЯХШИ МАҲСУЛОТ РЕКЛАМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

Меҳмоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, бошқа каналга олишимни сўради. Айтганини қилиб, хусусий каналлардан бирига ўтказдим. Бу ерда “Карсил” дори си реклама қилинаётган экан. Орқасидан “Rezisto” дори си рекламаси бошланди. Ўртада кичикроқ ахборот берилди. Кейин навбат “Септолете тотал” рекламасига келди. Бир-икита бошқа мавзудаги рекламалардан сўнг экранда “NOLPAZA – ZARDASIZ KUNNI YORUG’ TARAFIDA BO’LING!” деган ёзув пайдо бўлди. Кўриниб турирди “Nolpaza” дори си реклама қилинапти. Лекин “Зардасиз кунни ёруғ тарафиди бўлинг” деган гапиз жумлани кўриб, тўғриси, баттар ҳафсаламиз пир бўлди. Хуллас, телевидениенинг давлат каналларида ҳам, хусусий каналларда ҳам рекламанинг каттагина қисми дори ва клиникаларга оид.

– Нахотки доридан бошқа реклама қиладиган нарсамиз қолмаган бўлса? – деди ҳамсуҳбатим астойдил ранжиб. – Кеча метрога тушувдим, вагонларда ҳам дори рекламаси кўп экан. Газета ва журналларда ҳам шундай бўлса керак? – Йўқ, газета-журналларда дори рекламаси йўқ. Фармацевтика билан шуғулланадиганлар асосан кўп одам кўрадиган телеканаллар, аҳоли кўп йиғилувчан жойлар – метро ва бошқа транспорт воситаларига жойлаштирилади рекламаларини, – дедим.

Мақолани ўқийётганлар “Пули бор экан, реклама қилади-да, сенга нима?” дейиши мумкин. Тўғри гап. Лекин ўтган йили 60 нафардан зиёд гўдакнинг ўлимига сабаб бўлган “ДОК-1 Макс” сиропи хамда Наманган вилоятининг Чуст туманида “Антиструмин” №100 (калий йодид) маҳаллий дори воситасидан кўплаб болалар захарланиши билан боғлиқ икки воқеа ҳаммамизни дори согуви ва унинг рекламасига эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қилмоқда. Бу икки ҳолат соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги муаммоларимизни яққол кўрсатди.

Оммавий ахборот воситаларида фақат рецептсиз бериладиган дори-дармон воситаларини реклама қилиш мумкин. Шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари рекламаси тушунарли тилда баён қилиниши, дорининг тўлиқ номи, жумладан, халқаро фармакологик ва ишлаб чиқарувчисининг номи хамда дори воситасидан фойдаланиш ҳақидаги ахборот, уни қўллаш учун асосий кўрсатмалардан иборат бўлиши лозим.

Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рекламаси уларни қўллаш ва фойдаланишга қарши кўрсатмалар мавжудлиги, қўллашга доир йўриқнома билан танишиш ёки мутахассислар маслаҳатини олиш зарурлиги тўғрисидаги оголантириш билан бирга берилиши керак.

Телевидениеда берилётган рекламаларда дори номи тағида шундай ёзувлар бор бўлса-да, майда ҳарфларда ёзилгани учун ўқиш жуда қийин. Бундан ташқари, реклама вақти чеклангани учун ўқишга улгуриб бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, дори воситаларини реклама қилишда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши ши-

фокорга ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади. Мазкур талаб фойдаланувчилари фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимлари бўлган рекламага, тиббиёт ёки фармацевтика кўргазмалари, семинарлари, конференция ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар ўтказиладиган жойларда тарқатиладиган рекламага, шунингдек, босма нашрларга жойлаштирилган рекламага нисбатан таътиб этилмайди. Олимплар тиббиёт ходимлари тавсияларидан, шунингдек, алоҳида шахслар миннатдорлигидан, тавсияларидан ва реклама қилинаётган дори воситаларининг таъсири ҳақидаги ҳикояларидан иборат бўлган тавсиялардан фойдаланиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, айрим ҳолатларда дори-дармон воситалари рекламаларида “Энг яхши”, “Ҳақиқий”, “Фақат бизда”, “Энг аниқ”, “Ўз фойда қалолат”, “Жаҳон андозаларига тўлиқ мос”, “Ҳамма талабларга тўлиқ жавоб беради”, “Жуда сифатли”, “Самараси юз фойда исботланган”, “Ўз фойда натижа”, “Акс таъсирлари йўқ”, “Барча ҳавфсизлик чоралари кўрилган”, “Ҳар жиҳатдан даво”, “Дунёда етакчи”, “Энг ишончли”, “Энг охиригача авлод препарати”, “Ухшаш йўқ”, “Оғриқни бутунлай унутасиз” каби таърифлардан фойдаланилади. Ваҳоланки, бундай жумлалар реклама қилинаётган маҳсулотни бўрттириб, рекламалардан фойдаланувчиларни жалғитувчи ёки жалғитиши мумкин бўлган реклама ҳисобланади ва бундай таърифлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, дори рекламасига кенг йўл очилгани дори бизнеси ривожига, дориҳонолар кўпайишига олиб келяпти. Буюк Британияда ишлаётган ўзбекистонлик шифокорнинг фикрича, дориҳоноларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллардан бири дорилар рекламаси. Чунки реклама маркетинг рағбатлантиради. Натижада шу соҳага қизиқиш ортиб, дориҳонолар кўпаяди.

ҲАР БИР КўЧАДА, ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА БИСЁР

2022 йилда Ўзбекистонда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана реализацияси билан шуғулланадиган 15 минг 799 дориҳоно фаолият юритган. Бу ўртача салкам 2 300 аҳолига битта дориҳоно тўғри келади, дегани.

Хўш, бу кўпми ёки кам? Умуман, мамлакатда дориҳоно кўп бўлгани яхшими ёки кам бўлгани? Ушбу саволга жавоб топиш учун юртимиздаги дориҳонолар ва аҳоли сонини бошқа давлатлардаги шу кўрсаткичлар билан солиштириб кўрамиз.

Германияда 2023 йилнинг 20 июнь ҳолатига 84,4 миллион аҳоли истиқомат қилади. Уларга 20 минга яқин дориҳоно хизмат кўрсатган. Бу дегани 4 220 кишига битта дориҳоно тўғри келяпти. Францияда 66 миллион нафар аҳолига 22 минга дориҳоно, бу дегани 3000 кишига битта дориҳоно бор.

АҚШда 336 миллион аҳоли истиқомат қилади. Дориҳонолар сони эса 60 минга. Америка Қўшма Штатлари аҳолиси Ўзбекистон аҳолисидан салкам 10 баробар кўп. Дориҳонолар сони эса бор-йўғи тўрт баробарга яқин кўп. Демак, одам бошига ҳисобласак, бизникига қараганда анча кам.

Африка қишлоқларида Танзания деган мамлакат бор. Уша мамлакат пойтахти Дор ус-Саломда қариб 4 миллион 370 миң аҳоли истиқомат қилади. Лекин шундай катта шаҳардаги дориҳонолар сони бор-йўғи 600

Юқоридагилардан маълум бўладики, қалбаки дорилар дориҳоноларда бемалоот сотиляпти. Албатта, бунинг учун дориларни ишлаб чиқараётган ёки олиб келаётганлар жазоланади. Лекин уни дориҳоноларга ҳеч қандай ҳужжатсиз қабул қилиб олаётган ва бемалоот сотаётганлар-чи? Уларнинг жавобгарлиги қалбаки дори ишлаб чиқараётган ва олиб кираётганлардан кам бўлмаслиги керак? Агар шунга эришсак, дориҳонолар қалбаки ва сертификатли йўқ дориларни қабул қилмайди. Натижада бундай дориларни ишлаб чиқаришга, мамлакатимизга турли йўллар билан олиб киришга чек қўйилади. Шундай эмасми?

та. Энди ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг, неча кишига битта дориҳоно тўғри келади? Энг дориҳоно кўп мамлакатлардан бири Бразилияда ҳам тақрибан 2800 кишига битта дориҳоно тўғри келар экан.

Туркияда дориҳонолар Eczane, Apotheke деб аталади. Лекин биздагидек кўп эмас. Улар кеча-ю кундуз ишламайди. Аксарияти 8.30 – 9.00 дан 18.00 – 19.00 гача очик туради. Яқинба, байрам кунлари дам олади. Туну кун ишлайдиган навбатчи дориҳонолар жуда кам. Бундан ташқари, улар навбат билан ишлайди.

Нима учун Ўзбекистонда дориҳонолар кўпайиб кетди? Биринчи сабаб, дори рекламалари эканини юқорида таъкидладик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъулининг айтишича, илгари дориҳонолар кам бўлган, лекин нолегал дори бозорлари фаолият кўрсатган. Масалан, Тошкент ва Қўқон шаҳарларида шундай бозорлар бўлган. Аслида бундай бозорларнинг пайдо бўлиши жуда-жуда ҳавфли ҳолат. Чунки дори қаерда ишлаб чиқарилган, қаердан келяпти, бу билан ҳеч қандай қизиқмайди. Бундан ташқари, энг қиммат дорилар кўлга чиқади. Жумладан, махсус рецепт билан бериладиган дорилар ҳам нолегал сотилади. Шу ҳавфдан қутилиш учун фармацевтика савдоси билан шуғулланувчиларга эркинлик берилган. Натижада дориҳонолар кўпайиб кетган.

Қизиқ, нега нолегал дори савдосига қарши курашиш учун фармацевтика савдоси билан шуғулланувчиларга эркинлик бериш йўли танланяпти? Нега тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан савдоси билан курашилмайди? Бозорлар назоратга олинмади?

Шуниси ачинарлики, бизда беморлар қайси дорини ичиш бўйича кўпича шифокор билан эмас, дориҳоно сотувчилари билан маслаҳатлашади. Кўп-кўп дори воситаларини шифокор рецептсиз осонгина дориҳонодан сотиб олиш мумкин ва бу дорилардан нотўғри фойдаланиш ҳавфини кучайтирмақда. Натижада 2008–2018 йилларда Ўзбекистонда дори воситалари билан ўзини ўзи даволаш натижасида соғлиғи ёмонлашгани билан боғлиқ 2 300 ҳолат рўйхатга олинган.

Ҳозир Ўзбекистонда дори бизнеси энг ривожланган тадбиркорлик турларидан бири. Қайси маҳаллага ёки кўчага кирманг, кўп-кўп дориҳоноларга кўзингиз тушади. Шу ўринда яна бир савол пайдо бўлади. Хўш, бу яхшими ёки ёмон?

Бу саволга жавоб ҳам икки хил. Яхши дейдиганларнинг изоҳича, дориҳонолар кўпайса, рақобат бўлади, дори арзонлашади. Иккинчидан, янги иш ўринлари очилади. Дори излаб узоққа бориб юрмайсиз, овора бўлмайсиз, керакли дорини маҳаллангиздан, кўчангиздан топасиз.

Иккинчи фикр эгалари айтишича, дориҳонолар кўпайиши, ҳар бир маҳаллада, кўчада бўлиши одамларнинг доғига ўрганиб қолишига олиб келяпти. Иккинчидан, мамлакатда соғлом одамлар камлиги белгиси. Учунчидан, дориҳонолар одамларни соғлом ҳаёт тарзидан жалғитилади.

Мутахассисларнинг фикрича, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатларда ҳар бир бемор учун алоҳида протокол тузилади ва ҳар бир дори протоколдан ўтиб тасдиқлангандан сўнг тавсия этилади. Шу сабабли ҳам бу мамлакатларда шифокорлар фикри 90 фоиз бир-бирига яқин чиқади.

Буюк Британияда дориларнинг ноҳўя таъсирдан оголантирувчи тащиклот бор. Бундан бемор ҳам, шифокор ҳам хабардор бўлади ва агар бу дори беморга ёмон таъсир қилса, у тащиклотга хабар бериш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам дориҳоноларда эркин савдо йўқ. Шифокорларга эса фармацевтик босим ўтказилмайди.

Маълумотларга қараганда, 2023 йилда Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги марказига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва тиббиёт тащиклотлари ҳамда фуқаролардан дори воситалари ва тиббий буюмларни экспортга олиш юзасидан 1700 га яқин муражаат келиб тушган.

Лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра 6 304 турдаги 1 миллион 334 минг 598 ўрам дори воситаларини амалиётда қўллаш мумкин эмаслиги, 2288 турдаги 542 минг 709 ўрам дори воситаларининг мувофиқлик сертификати, 241 турдаги 11 минг 747 ўрам дори воситаларининг ёриқлаш кўрсаткичи йўқлиги, 152 турдаги 1278 ўрам дори воситаларининг яроқлилик муддати ўтгани, 68 турдаги 7029 ўрам дори воситаларининг қалбакилаштирилгани аниқланган.

Сал олдинроқ Андижон вилоятида қалбаки дорилар ишлаб чиқарилгани ҳақида хабарлар тарқалган. Ўтган йилнинг 24 март кунини Бош прокуратура ҳузуридаги департамент матбуот хизмати кўйидаги хабарни эълон қилди:

“Департаментнинг Занеюта туман бўлими томонидан ДХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилган. Тадбирда фуқаро Н.М. ўзининг “Spark” автотранспорт воситасида тешиш ҳужжатлари бўлмаган умумий баҳоси 271,8 миллион сўмлик 9 турдаги жами 17 миң 904 дона дори воситасини Тошкент шаҳрига ўтказиш мақсадида олиб келаятгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида мусодара қилинган”.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қўштирноқ ичидаги айрим тадбиркорлар учун халқ саломатлигидан қура чўнтақларининг қап-пайиши афзарроқ, Афсус...

Юқоридагилардан маълум бўладики, қалбаки дорилар дориҳоноларда бемалоот сотиляпти. Албатта, бунинг учун дориларни ишлаб чиқараётган ёки олиб келаётганлар жазоланади. Лекин уни дориҳоноларга ҳеч қандай ҳужжатсиз қабул қилиб олаётган ва бемалоот сотаётганлар-чи? Уларнинг жавобгарлиги қалбаки дори ишлаб чиқараётган ва олиб кираётганлардан кам бўлмаслиги керак? Агар шунга эришсак, дориҳонолар қалбаки ва сертификати йўқ дориларни қабул қилмайди. Натижада бундай дориларни ишлаб чиқаришга, мамлакатимизга турли йўллар билан олиб киришга чек қўйилади. Шундай эмасми?

Туркияда сохта дори ишлаб чиқарган шахс 30 йилдан 50 йилгача қамоқ жазосига тортилади. Францияда тўрт йил озодликдан маҳрум этилади. Лекин жарима жуда катта – 400-500 миң евро. Хўш, бизда-чи?

НАРХНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Шу ўринда яна бир муаммо ҳақида тўхталиш жоиз, деб ўйлайман. Бу дорилар нархи масаласи.

Яқинда “Мелдронат” деган дорининг уқоли керак бўлиб қолди. Излаб тўртта дориҳонога бордим. Битта дориҳонода 120 миң, иккинчисида 165 миң, учинчисида 135 миң, тўртинчисида 170 миң сўм экан. Албатта, энг арзонини сотиб олдим. Дориҳоноларнинг ҳаммаси дори бир фирмада ишлаб чиқарилган дори, лекин нархидаги тафовут ер билан осмонча...

Энг ачинарлиси, ўзимизда ишлаб чиқарилган айрим дорилар хориждан келтириляётганидан ҳам қиммат сотиляпти. Ўтган йилнинг сентябрь – ноябрь ойларида “Адолат” СДП томонидан жойларда жамоатчилик назорати тартибда дорилар нархи ўрганилган. Ўрганишлар давомида аксарият дориҳоноларда сотиляётган таркиби ва хусусияти жиҳатидан бир хил бўлган

хорижий ва маҳаллий дори воситаларининг нархи ўртасида катта тафовут борлиги ҳамда ўзимизнинг айрим маҳаллий маҳсулотлар чет давлатларникидан анча қимматлиги аниқланган.

Масалан, дориҳоноларимизда Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган “Цефтриаксон” дори воситасининг маҳаллий вариантти хорижникидан 10 баробар, “Албумин” дори воситаси 5 баробар қиммат сотиляётгани маълум бўлган.

Натижада партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига депутатлик сўрови юборган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 26 октябрдаги “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан дорилар ва тиббий буюмларнинг чакана савдосида жамоатчилик назоратини жорий этиш, белгиланганидан қиммат бўлиб кетишига йўл қўймаслик зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланган. Жумладан, 2023 йил 1 майдан бошлаб:

– жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган дори воситалари учун дориҳонолар томонидан тақдим этиладиган харид чекинине фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобил штовасида рўйхатдан ўтказилганда дори воситалари нархлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштирилади;

– матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархларига белгиланган устамалар ошириб қўлланилиши аниқланган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бу ҳақида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус евокат берилган давлат органига автоматик равишда хабар юборилади;

– харид чеки бўйича нарх дори воситасининг чакана референт нархидан ортук деб топилганда, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузардан белгиланган тартибда жарима ўндирилади.

Бунда харид чекида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатилмаслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш қондалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида эътироф этилади.

Назаримда, мамлакатимизда ушбу қарорнинг юқоридаги қисми бажарилишига унчалик эътибор берилмапти. Бўлмаса бир хил номдаги дориларнинг нархида жуда катта тафовут бўлмас эди. Дориҳоноларга кириб дорилар баҳоси билан қизиқиб кўринг. Бир дориҳонода 50 миң сўм турган дори, унинг ёнидаги дориҳонода 70-80 миң, бошқасида эса 100 миң сўм. Демак, қарорда вазифа топширилган тащиклот ўз ишига совуққонлик билан қараяпти ёки умуман, бу ҳужжатни унутган.

Дори билан алоқадор мақолаимиз бошида тилга олинган икки салбий ҳолатдан сўнг “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати бир неча тақлифлар билан чиқди. Шу тақлифлардан бири оммавий ахборот воситаларида дориларнинг бевосита рекламасига чекловлар жорий этиш. Хусусан, дори воситалари рекламасини фақат Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси руҳати билан амалга ошириш. Келгусида ОАВларда дориларнинг бевосита рекламасини тақиқлаш имкониятини кўриб чиқиш ва шу мақсадда Туркия, Швейцария, Канада каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш.

Шунингдек, дори воситалари рекламасига оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни қўчайтириш, бундай ҳолатлар оғир оқибатларга олиб келган тақдирда, жиноий жавобгарлик белгилаш, дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сертификатлаш тащиклотлари масъулиятини қўчайтириш ниҳоятда муҳим. Бундан ташқари, фуқаролар замонавий тащик имкониятларидан фойдаланишини, даволашнинг ягона стандартларига асосланган тиббий суғурта тизимига ўтишни тезлаштириш, фармацевтика соҳасида очкиқлик ва шаф-фолкини таъминлаш зарур. Аҳоли қайси дори воситалари импорт қилинаётгани, ишлаб чиқарувчилар қимлиги, уларнинг хориждаги нуфузи, сертификатлаштириш жараёни қандай олиб бориляётганини билишга ҳақли, дейлади тақлифда.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати бу тақлифлар билан парламент, масъул вазирлик ва идораларни тезкор чоралар қўришга, тиббиёт муассасалари ва фармацевтика соҳаси институтларини, аввало, тижорий эмас, балки ижтимоий манфаатларни устувор қўйишга қақирди.

Юртимизда дори рекламаси авж олаётгани, дориҳонолар кўпаяётганини ҳаммамиз кўриб, билан турибмиз. Лекин бунинг ижобий ёки салбий томонлари таҳлил қилинаманми, мутахассислар бу масалага кўпм муносабат билдиришмаяпти. Балки бу муаммоларни ўрганиш ва бир хулосага келиш вақти етгандир...



ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:
ИНСОФСИЗНИНГ
УЙИ ҚУЙСИН!

КАЧОНГАЧА ХУКУМАТДАН НОЛШИЙМИЗ?!

ГАЗ ВА ЭЛЕКТРДАН НОҚОНУНИЙ
ФЙДАЛАНГАНЛАР
15 КУЊ ИЧИДА ДАВЛАТГА
73 МИЛЛИАРД СЎМЛИК
ЗАРАР ЕТКАЗГАН



Табийки, совуқ кунлар тушиши билан энергетика тизими, ундаги тақчиллик ва узилишлар кенг жамоатчиликнинг муҳокама марказидан ўрин олади. Мавсумга етарлича тайёргарлик кўрилганми? Нега табий ресурсларимиз ўзимизга етмаяпти?.. Шу ва бошқа саволлар интернет тармоқларида қайта-қайта айланади. Хўш, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва ечимлари қаерда?

Қуатбой МИРЗАБОВЕВ,
“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим бошлиғи

Афсуски, “Тангнинг иккинчи томони бор”, деганларидек, айрим юртдошларимиз орасида юрт ва жамият тараққийоти дахлдорликни ҳис қилиш ва ижтимоий масъулиятни янада ошириш ўрнига, “Ётиб қолгунча отиб қол” қабилида иш тутаётган инсофсизлар ҳамда уларнинг нопоклигига жим қараб турган, “ҳамма шароитни давлат қилиб бериши керак, барчасига давлат масъул, давлат назоратга олсин”, дейётган бефарқлар ҳам йўқ эмас.

Боиси, охири пайтларда ОАВларда табий газ ва электр энергияси тармоқларига ноқонуний улашиш ва улар билан боғлиқ исрофгарчилик ҳолатлари аниқланганга ҳақидаги хабарларга тез-тез ғувоҳ бўляпмиз. Яқиндагина тарқалган шу каби хабарларга

лаётганлар ҳам учраб турганлиги жуда ачинарли ҳолдир. Энергия ресурсларидан бу каби ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузарликлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ОАВ орқали ёритилаётган маълумотлардан аниқлаш қийин эмас. Хусусан, 2023 йилнинг 7 ойида 335 миллиард сўмлик “свёт” ва газ ўғирланган.

Шунингдек, ўтган йил декабрь ойининг 15 кунинда айрим истеъмолчиларнинг электр энергияси ва табий газдан ноқонуний фойдаланиши натижасида давлат манфаатларига 73 миллиард 274 миллион сўмлик зарар етказилганлиги ҳам ушбу ресурсларга талаб ортган пайтда улардан айрим “тадбиркор”ларнинг ноқонуний ва ўғринча фойдаланишлари тармоқларда ортиқча юқлинишларга ҳамда энергия ресурслари таъминоти барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Афсуски, бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Уйимизда беш дақиқага чироқ ё газ ўчиб қолса, дарҳол ҳукуматдан нолиймиз. Ижтимоий тармоқларга чиқиб, раҳбарларни сўкишни ҳам боппаймиз. Аммо бир зум ўйлаб кўрайлик-чи, балки биз юқорида тилга олган, фош этилган улаш миқдордаги ўғирликлар, эҳтимом, минг-минг-

Хабарларга кўра, Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятларида сақам 1 МИЛЛИАРД СЎМЛИК газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланган. Биргина Бухоро вилоятида ўтказилган текширувда ҳудуддаги МЧЖга қарашли меҳмонхона биноси умумий фойдаланишдаги газ қувурига ўзбошимчалик билан улашиб, 495,4 МИЛЛИОН СЎМЛИК табий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланганлиги ҳамда айрим фуқаролар томонидан Майнинг крипто-активлари қурилмаганини ўрнатган ҳолда электр энергиясини ўғирлаб, инсофсизлик қилаётганлар ҳам учраб турганлиги жуда ачинарли ҳолдир.



лаб одамларнинг хонадониди газ билан чироқ бир сонияга бўлса ҳам ўчмасди. Биз санаганлар-ку, фош этилган ўғирликлар. Яна бир мулоҳаза юритиб кўрайлик, фош этилмаганлари қанча экан? Ахир бу тарздаги ўғирликлар оидин тунда, яқка-ёғиз амалга оширилмайди. Аксинча, жуда кўпчилигимизнинг кўз ўнгимизда содир этилади. Наҳотки биз уларни кўрмаймиз? Кўраимиз! Кўраимиз... аммо миқ этмаймиз. Наридорса “Бу бизнинг ишимиз эмас, ҳукумат шуғуллансин”, деган баҳона билан қутуламиз-кўраимиз. Демак... моҳиятан қараганда, ўша ўғирликка биз ҳам шерикимиз...

Ваҳоланки, давлат бюджети, мамлакатнинг табий ресурслари халқ ризиқи ва ҳақидир. Шундай экан, уни ботмонлаб ўмарини, талон-тароқчилик ва порахўрлик каби чиркин иллатларга йўл қўйиш ва уларга бефарқ қараш бу юртга, миллатга нисбатан хиёнатнинг ўзгинасидир. Аслида Ватан тараққийоти ва аҳоли фаровонлигига салбий таъсир этаётган иллатларга ким, қаерда дуч келса, давлат мулкани, яъни халқ ҳаққини толон-тароқчи қилаётганларга нисбатан аёвсиз қураганиши ва қонуний чора кўрилишига эришиши, бу йўлда шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кечиши — фуқаролик бурчи, инсо-

нийликнинг оддий талаби эмасми? Бинобарин, одамни одам қилиб турадиган қадриятлар орасида ўзи тугилиб ўсган юрт тақдирига дахлдорлик, унинг яқин ва олис келажаги хусусида қайғуриш, халқнинг эмин-эркин, тўкин яшамоғига ҳисса қўшишдек инсоний вазифалар ҳам бор.

Агар тараққийоти этаётган хорижий мамлакатларнинг эволюциясига қаралса, биргина “япон мўъжизаси” воситасида халқроқ майдонда эътироф этилаётган Япония иқтисодиётининг бугунги эришилган ютуқлари оддий, бироқ кучли салоҳият, “темир” интизом, асл ватанпарварликка асосланган қоидалар тўғрисида, десак муболаға бўлмайди.

Тараққийоти, фаровонлик ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш учун ватанпарварликка асосланган таъсирли жамоатчилик назорати бўлиши, бунда, аввало, ҳар бир шахс жамият аъзоси сифатида ижтимоий масъулиятни теран ҳис қилиши керак.

Зотан, ҳар биримиз шу жамиятнинг аъзоси эканми, демак, унинг фаровон турмуши, ривожига боғлиқ бўлган барча ишларда тенг масъулимиз. Бу борада, аввало, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ватанпарварлик ҳамда доимий ва кучли жамоатчилик назорати керак.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ХАЁТ САБОҚЛАРИ

ЖАМИЯТНИНГ ЖАМОАВИЙ ЖАЗОСИ

Бир воқеани ўқидиму ўзим ғувоҳи бўлган воқеалар бирин-кетин кўз олдимдан ўтди: самолётга чиқишда ким ўзарга юзурилади; самолёт ерга қўнмасдан туриб ҳамма ўрнидан туриб олади, худдики биринчи тушмаса самолётда қўлиб кетадигандек. Хориждаги энг катта аэропортлардан биридаман. Минглаб одамлар бор. Барча сокинлик билан тартиб асосида ҳаракатланади. Лекин битта терминалдан баланд овозда гала-говур (сўкинишлар ҳам) тинмайди... Булар бизникилар...

Биз навбат нима эканини билмаймиз. Ҳамма биринчи бўлишни хоҳлайди ва афсуски, айнан шу тузалмас касалимиз тараққийоти этишимизнинг энг катта душмани.

Ушбу воқеани журналист Мехрибон ҚУРБОННИЁЗОВанинг ижтимоий тармоқдаги “Facebook” саҳифасидан олдик, унинг муаллифини топа олмадик, лекин кимларгадир ибрат бўлар деган мақсадда сизларга ҳам улашгимиз келди.



— Мен иш ва турмуш ўрғоғим сабабли Хюстонда (Техас, АҚШ) яшайман. Утган ҳафта мен билан қизиқарли ва таъсирли воқеа уйимга яқин жойлашган почта бўлимида содир бўлди.

Янги йил совғаси сифатида интернет орқали сотиб олган қўл соатим қутисидан ойнаси синган ҳолда чиққанидан сўнг, дарҳол қайтариб бериш варақасини тўлдириб, почта бўлимига бордим. Почтага кирганимда 20-25 киши навбатда туришганди. Бу ерда “Рождество” байрами

яқинлашаётгани учун бозордан бир бўлак нон сотиб олмоқчи бўлсангиз ҳам ўнлаб одамлар ордидан саф тортиб, одатдагидан анча узоқ кутишингизга тўғри келади. Атиги 2 киши хизмат қилаётганда, айниқса, юзи чарчаган, ишлашга тоқати қолмаган ҳолда ишлаётган бўлса, кутиш вақти сабр-тоқатни янада тоширади.

Мен кирган навбатда орқага бурилиб қарасам, яна 30-35 киши турганини кўрдим. “Ҳа, майли, ҳеч бўлмаганда ўртадаман-ку”, деб ўзимни овутидим.

Орадан роппа-роса 40 дақиқа ўтиб, менга навбат келди. Мен пакетни почта ходимига бериб: “Унда манзиллар ёзилган”, дедим. “Нега пакетни лента билан муҳрламадингиз?” деб сўради хоним. Унга жавобан кириш жойидаги “Пакет таркибини кўришни хоҳлашимиз мумкин. Илтимос, пакетларингизни очик тутинг”, деган оғохлантириш ёзувини кўрсатдим.

Ходим овозини баланд қилиб, жаҳл билан: “Мен эшикда нима ёзилганини жуда яхши биламан, пакетингизни зудлик билан ленталан”, деди. Навбатдагиларнинг ҳаммаси бизни тинглаб турган эди. Ходимнинг ёнидаги лентани кўрсатиб: “Шуни бера оласизми, илтимос?” дедим. Почта ходими яна ўша баланд овоз билан жавоб қайтарди: “Йўқ, бу лента меники, мижоз ўз лентасидан фойдаланади!”. “Ёнимда ҳеч қандай лента йўқ, лентангизнинг пулини берай...” дедим, масъул хоним овозини янада баландлатди. Ун фут нарида қадқоқлаш хизматлари учун тайёрланган пойабзал қутиси ўлчамдаги 20 долларлик лентани кўрсатди ва уни сотиб олишимни буюрди. “Сизнингча 15 сантиметрлик қўти учун шу лентани сотиб олишим мантиқданми?” деб сўрадим. “Лентани олинг ва дарҳол навбатнинг охирига бориң!” Хоним қичқираркан, жаҳлдан қозариб кетди. Худди шу ғазаб билан навбатда турган кейинги одамни “Некст!” (“Кейинги!”) деб бақириб қақирди.

Шу пайт қотиб қолдим... Чунки навбатда ҳеч ким олдинга силжимади. Навбатнинг бошида турган одам: “Зудлик билан қўтини лента билан ёпиштиринг ва биринчи навбатда хонимнинг ишини битиринг”, деди. Почта ходими жаҳл билан яна қичқирди: “Некст!!!”

Аммо 30 кишини биронтаси жойидан жилмади. Иккинчи почта ходимининг ҳам олдида ҳеч ким бормади. Хизмат тўхтатилди.

Бир кампир: “Мен 76 ёшдаман, тиззаларим оғриқлипти, лекин шу хонимнинг пакетини ленталаб, бурчинеизни бажармасангиз, бу ердан бир қадам ҳам жилмайман”, деди. Почта ходими жаҳл билан қўлимдан пакетни тортиб олди, ёнидаги почта лентаси билан қўтини ленталади.

Токи тўловимни олмагунча, мен аралаш ҳис-туйғулар ичида қолдим, деярли йиғлашгача бордим.

Навбатдагиларга “Ҳаммангизга раҳмат” дейишимдан бошқа сўз тополмадим... Улар жилмайиб қўл силкитишди. Кўчага чиқиб, машинамга ўтириб, бир муддат ўйлаб қолдим. Ҳамманнинг иши бор. Нимага “шошиляпман” деб бирорта ҳам одам навбатда силжимади? Бир кишига нисбатан адолатсизликка шунча одам худди келиши олгандек қаршилик қилди-я?

Шу пайт мендан кейин турган одам ҳам ишини тугатиб, ташқарига чиқди. У менинг машинамга яқинлашди, мен ойнани очдим. У табассум қилди ва кўнглимдаги саволларга жавоб берди: “Сизга қилинган хато учун узр сўрайман. Табиатда ҳайвонлар, дархатлар ва ҳатто микроблар ҳам бири-бири билан боғланиб ҳаракат қилса, аксинча, биз одамлар бир-биримиздан жуда узилганмиз. Агар хато дарҳол аниқланса ва унга жамоавий реакция қилинса, ўша хато тақрорланмайди. Ўша ходим кейинги сафар хато қилишдан олдин икки марта ўйлайди. Биз вазифамизни бажардик. Янги йилнингиз билан!..”

Воқеа тугади. Хулоса узингиздан.

